

Уламолар Орландо шаҳридаги «Ал-Бухорий Ислом маркази»га ташриф буюришди



05:33 / 27.04.2022 2330

АҚШ сафаригадаги бир гуруҳ Ўзбекистонлик имом-хатибларимиз Флорида штатининг Орландо шаҳрига етиб келдилар. Юртимиз имом-хатиблари Орландо шаҳридаги «Ал-Бухорий Ислом маркази»га ташриф буюрдилар.

У ерда марказ кенгаши аъзолари уломаларимизни марказ фаолияти билан яқиндан таништириб, улардан тегишли тавсияларни олишди.

Ташрифлари жараёнида имом-хатиблар «Ал Бухорий Ислом маркази»да бўлиб ўтадиган таровеҳ намозларида иштирок этиб, илмий суҳбатлар қилиб берадилар.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистондан ташриф буюрган уламоларимизнинг АҚШдаги илмий учрашувлари 2 майгача давом этади.

Бизни кузатишда давом этинг.